

УДК: 632.9.633

**БЕХИ МЕВАСИННИНГ ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
КАСАЛЛИКЛАРИ.**

Акбаров Рахмонжон Жумақўзиёвич

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий -тадқиқот институти

Андижон вилояти минтақавий филиали “Қишлоқ хўжалик

экинларининг зарарли организмлари ва дала таҳлиллари”

лабораторияси кичик илмий ходими

Аннотация. В садах нашей страны из-за заболевания монилиозом резко падает качество и количество плодов. Одним из основных факторов является правильная диагностика заболевания монилиозом, умение отличить его от других заболеваний, правильная организация борьбы с ним и правильное применение фунгицидов против заболевания.

Ключевые слова: садах, заболевания, плодов, основных, диагностика, монилиозом, борьбы, правильное, фунгицидов, против.

Abstract. In the gardens of our country, due to the disease moniliosis, the quality and quantity of fruits drops sharply. One of the main factors is the correct diagnosis of moniliosis disease, the ability to distinguish it from other diseases, the correct organization of the fight against it and the correct use of fungicides against the disease.

Key words: gardens, disease, fruits, basic, diagnosis, moniliosis, other, control, correct, fungicides, against.

Аннотация. Мамлакатимиз боғларида монилиоз касаллиги туфайли меваларнинг сифати ва миқдори кескин пасайиб бормоқда. Монилиоз касаллигини тўғри ташхислаш, уни бошқа касалликлардан ажрата олиш, унга қарши курашни тўғри ташкил этиш ва касалликка қарши фунгицидлардан тўғри фойдаланиш асосий омиллардан биридир.

Калит сўзлар: боғлар, касалликлар, мевалар, асосий, диагностика, монилиоз, назорат, тўғри, фунгицидлар, қарши

БЕХИ —раънодошлар оиласига мансуб мевали дарахт. Ўзбекистондаги беҳизорларнинг 80% Фарғона водийсида. Барги оддий, яшил, чети бутун. Гуллари якка холда, ок ёки оч пушти, апрель ойида гуллайди. Кўчати ўтказилгач, 3—4 йилда ҳосилга киради, 30—40 йил яшайди. Катта ёшдаги дарахтлари ўртача 60— 70 кг ҳосил беради. Меваси сентябрь—октябрь ойларида териб олинади; вазни, навига қараб 150—500 г. Беҳи мевалари лимон рангда ёки тук сарик, тук билан қопланган; етилганда туки тўкилиб кетади, хушбўй. Янги узилган меваси кам истеъмол қилинади.

Беҳи энтомофил (ҳашаротлар билан чангланадиган) ўсимлик. Беҳи таркибида 74,7—83,5% сув, 8,5— 15,2% қанд, 0,2—1,5% кислота бор, шунингдек ошловчи моддалар ва тош хужайралар бўлади. Меваси дағал бўлиб, узоқ сақлангандан кейин тош хужайралар юмшаб қолади.

Беҳидан мураббо, компот, мармелад, цукат, киём, жем тайёрланади, овқатга (кўпинча паловга босиб) ишлатилади.



1-расм. Беҳининг монилиоиз касалликлари

Мамлакатимиз боғларида монилиоиз касаллиги туфайли қосилнинг сифати ва миқдори кескин даражада тушиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқца. Монилиоиз касаллигига тўғри ташхис қўйиш, уни бошқа касалликлардан фарқлай олиш, унга қарши кураш ишларини тўғри ташкил этиш, касалликка қарши фунги- цидларни меъёрида ва ўз муддатида қўллашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Маълумки, монилиоиз касаллиги уруғли мева дарахтларининг гуллари, барглари, мевалари ва новдаларида кузатилади. Олма ва нок, беҳи дарахтларидан иборат интенсив боғларда монилиоиз куйиш

ва монилиоз чириш кўриниши кузатилади. Олма ва нокда монилиоз куйиш касаллигини *Monilia cinerea* Bonard.f. *malii* замбуруғлар келтириб чиқаради. Касалликнинг бу кўринишида энг аввал гулларининг уруғчиси, кейин чангчиси, гултожибарглари, сўнгра барглари ва ҳосил бўлган ёш мевалари қуриб куйганга ўхшаш кўринишга эга бўлиб, новдада осилиб қолади. Зарарланган аъзоларида жигарранг доғлар ҳосил бўлади, кейинчалик мева тугунчалари юмшаб, замбуруғ спораларидан иборат 1-2 мм диаметри ёстиқчалар билан қопланади. Касалликнинг бу кўриниши тез кечганлиги сабабли гуллар совуқ урганга ўхшаб қолади. Зарарланган новдаларда ярачалар ҳосил бўлиб, учки қисмидан қурий бошлайди. Касалликнинг тез кечишига илиқ ва нам ҳавода замбуруғ кўплаб конидийлар ҳосил қилгани ҳамда намлик сабаб бўлади, ҳавога тарқалган конидийларни гулларга ёпишиб, уни зарарлаши учун қулай имконият яратади. Касалликнинг бирламчи инфекция манбаи зарарланган новдалар, барг ва гулларнинг қолдиқлари бўлса, иккиламчи инфекция манбаи эса ўсув даврида зарарланган ўсимлик аъзолари ҳисобланади. Бу замбуруғ микроскоп остида кузатилганда унинг конидийлар шакли лимонсимон кўринишда бўлиб, конидийларининг учки қисмида сўрғичсимон ўсимталари бор ва бу конидийлар бир-бирига занжирсимон тарзда бирикканлиги кўрилади. Замбуруғ конидийларнинг ўлчамлари ўлчанганда 5-9x14-19 нм, сўрғичи билан биргаликда 16-17x7-8 ўлчамга эга эканлиги кузатилди. Беҳида монилиоз куйиш касаллигини *M.cudoniae* Schell, замбуруғлари қўзғатади. Касаллик туфайли фақат гуллари эмас, балки новдалар учидаги барглари, мева ва новдалар зарарланади. Натижада новдаларда ярачалар ҳосил бўлади. Зарарланган барг ва мевалар ривожланмайди, куйганга ўхшаш қўнғир тусга кириб, дарахтда ўсув даврининг охиригача сақланиб қолади. Новдалар эса учки қисмидан қуриб қолади. Беҳининг зарарланган баргларида сарғиш-жигарранг, кейинчалик тўқжигар рангга кирувчи доғлар юзага келади ва бу доғлар кейинчалик барг пластинкасини тўлиқ қоплаб олади. Зарарланган аъзолари ва баргларида

кулранг ғуборлар ҳосил бўлади. Барглардаги бундай ғуборлар кўпроқ асосий томир бўйлаб юзага келади. Олма, нок ва беҳида монилиоз чириш касаллигини қўзғатувчиси *Monilia fructigena* Pers. замбуруғи бўлиб, уруғли меваларда монилиоз чириш касаллигининг биринчи белгилари мевалар ўсишдан тўхтаб шира тортиш давридан бошлаб қўзга ташланади. Уруғли меваларнинг навига қараб бу муддат август ойдан сентябрь ойининг охиригача давом этади. Зарарланган мева сиртида оч кўнғир тусдаги майда доғлар ҳосил бўлади. Доғлар ҳосил бўлган қисмида мева тўқимаси юмшайди. Бу доғлар катталашиб 5-6 кун ичида бир неча сантиметргача етади. 8-10 кун давомида эса бу доғлар мева сиртининг катта қисмини ва ҳатто бутунлай қоплаб олади. Бундай мевалар ўз кўринишини йўқотиб, бўтқасимон массага айланиб қолади. Доғлар катталашиши даврида меваларнинг сиртида касаллик қўзғатувчи замбуруғнинг кетма-кет концентрик айланалар ҳосил қилган конидийларидан иборат кулранг-кўнғир тусдаги ёстикчалар юзага келади. Бундай мевалар тўкилиб кетади ёки дарахтларда қолиб, мумланган кўринишга эга бўлади. Кейинчалик олма ва беҳи меваси қораяди, нок меваси оч кўнғир рангда қовжираган кўринишда осилиб қолади. Монилиоз чириш фақат ўсув даврида эмас, балки меваларни омборхонада сақдаш даврида ҳам учрайди ва тез ривожланиб катта зарар келтиради. Касаллик қўзғатувчи замбуруғ зарарланган мева сиртида ҳосил қилган ёстикчаларидаги конидийлар бир-бирига ёпишиб занжирча кўринишига эга бўлади. Занжирча ҳосил қилган конидийлар етилганда узилади ва атрофга тарқалади. Замбуруғнинг мицелийлари бошланғич даврда меванинг зарарланган қисмида бир текис тарқалган бўлса, кейин чалик зарарланган тўқиманинг четки қисмида тўпланиши туфайли бу жойдаги тўқима қаттиқлашиб қорамтир тусга кириб қолади. Олма, нок ва беҳи меваларининг монилиоз чириш касаллиги билан зарарланган меваларидан замбуруғининг соф культуралари ажратиб олиниб, ташқи кўриниши микроскоп остида кўрилганда бу замбуруғнинг конидийлари тухумсимон ёки эллипссимон

шахлда бўлиб, рангсиз, улар оддий ёки шохланган занжирларга бирлашганлиги кўрилди. Уруғли мева боғларида монилиоз касаллиги икки хил: монилиоз куйиш ва монилиоз чириш кўринишида зарар келтириб, монилиоз куйиш касаллигини олма ва нокда *Monilia cinerea* Bonard.f. mali, беҳида *M.cydoniae* Schell., монилиоз чириш касаллигини *Monilia fructigena* Pers. Замбуруғлари келтириб чиқаради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Н.Саттаров. Т.Р.Абдурахманов “Дардинга давоман” китобларидан
- 2.Н.Мамедов. Уруғли мева боғларида монилиоз касаллигининг ташхиси. Агро илм. 2017. 1 (45). 61-62 бетлар
3. Корчагин В.Н. Вредители и болезни плодовых и ягодных культур. Альбом. -М.: Колос, 1971- 160 с.
- 4.Марупов А. ва бошқалар. Интенсив боғларни замбуруғли касалликлардан ҳимоя қилиш. Тошкент:2015.-20 б.
5. Ҳамроев А.111. ва бошқалар. Боғ ва токзорларнинг зараркунандалари, касалликлари ва уларга қарши кураш тизими.-Тошкент: ФАН, 1995.-158 б.
5. Юсупов А.Х., Марупов А. Боғ ва токзорларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш чоралари.- Тошкент, 2009.
6. Tirkashboyevna, T. D. (2022). System of protection of fruit trees from diseases.
7. Бойжигитов, Ф. М., Каримов, О. К., & Турдиева, Д. Т. Ҳасанов Ботир Ачилович.
8. Tirkashboyevna, T. D., Tursunboevna, A. D., & Qizi, X. G. A. (2021). Diseases of Roots and Root in Winter Wheat in Uzbekistan. International Journal on Orange Technologies, 3(5), 35-41.
9. Tirkashboyevna, T. D., & Dexqonova, M. P. (2022). MULBERRY DISEASES IN THE WORLD AND IN UZBEKISTAN. NeuroQuantology, 20(6), 3742.
10. Турдиева, Д. Т., Каримов, О. К., & Турдиева, Ф. Т. (2023). АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ ШАФТОЛИ БОҒЛАРИДА БАҒ БУЖМАЙИШ КАСАЛЛИГИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ. Science and innovation, 2(Special Issue 6), 528-532.
11. Турдиева, Д. Т. Отабек Камалдинович Каримов, and Феруза Тиркашбоевна Турдиева.". АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ ШАФТОЛИ БОҒЛАРИДА БАҒ БУЖМАЙИШ КАСАЛЛИГИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ." Science and innovation, 2, 528-532.

12. Turdieva, D. T., Aznabakieva, D. T., & Usmonxujaeva, G. M. K. (2021). THE MOST COMMON FUNGAL DISEASES OF WHEAT. Scientific progress, 2(1), 382-389.

13. Турдиева, Д. Т. МЕРЫ БОРЬБЫ ПРОТИВ ЖЕЛТОЙ РЖАВЧИНЫ ПЩЕНИЦЫ MEASURES TO FIGHT AGAINST YELLOW RUST WHEAT. ББК 65.2 С56, 345.

14. Маматов, М., Ибодуллаев, Р., Йўлдошев, Ш., Турдиева, Д., & Азнабакиева, Д. (2022). ДАНАК МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИНГ МОНИЛИОЗ КАСАЛЛИГИ. Science and innovation, 1(D2), 55-59.